

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЗООЛОГЛАР ЖАМИЯТИ  
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ  
УЗБЕКИСТАНСКОЕ ЗООЛОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО

---

**«ЎЗБЕКИСТОН ЗООЛОГИЯ ФАНИ:  
ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ ВА  
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**  
II РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
(15–16 ОКТЯБРЬ, 2020 ЙИЛ)

МАТЕРИАЛЫ II РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ  
(15–16 ОКТЯБРЯ, 2020 ГОДА)

**«ЗООЛОГИЧЕСКАЯ НАУКА УЗБЕКИСТАНА:  
СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ»**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
Тошкент–2020

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Fricke, R., Eschmeyer, W. N. & VanderLaan, R. (eds) 2020. Eschmeyer's Catalog of Fishes: Genera, species, references. Electronic version accessed 03 August 2020.
2. Levin, B.A., Simonov, E.P., Ermakov, O.A., Levina, et al M.A., Interesova, E.A., ... Vekhov D.A. (2016) Phylogeny and phylogeography of the roaches, genus *Rutilus* (Cyprinidae), at the Eastern part of its range as inferred from mtDNA analysis. *Hydrobiologia*, 788 (1), 33–46.
3. Levin, B., Thoni, R., Artaev, O., Bolotovskiy, A., Levina, M., Rasulov, A., Mirzoev, N., & Simonov, E. (2019) Morphological and mtDNA data reveal broader distribution of *Alburnoides holciki* (Teleostei: Leuciscidae) in inland waters of Central Asia. *Zootaxa*, 4614 (1), 117–126.
4. Matveyev, M.P., Levina, M.A., Mamilov, N.Sh., & Levin, B.A. (2017) Tashkent Riffle Minnow *Alburnoides oblongus* Belongs to the Genus *Alburnus* (Osteichthyes: Cyprinidae) as Inferred from Analysis of mtDNA and nDNA Markers. *Inland Water Biology*, 10 (4), 360–367.
5. Sheraliev, B., Allayarov, S., & Peng, Z. (2020) First records of *Gobio nigrescens* and *Gobio sibiricus* (Cypriniformes: Gobionidae) from the Amu Darya River basin, Uzbekistan. *Journal of Applied Ichthyology*, 36 (2), 235–239.
6. Thoni, R.J., Simonov, E., Artaev, O., Asylbaeva, S., Aibek, S.U. & Levin, B.A. (2017) A century in synonymy: molecular and morphological evidence for the revalidation of *Glyptosternon oschanini* (Herzenstein, 1889) (Actinopterygii: Sisoridae). *Zootaxa*, 4277 (3), 435–442.
7. Wu, Y.F. & Wu, C.Z. (1992) *The Fishes of the Qinghai-Xizang Plateau*. Sichuan Publishing House of Science & Technology, Chengdu, 599 pp.

УДК 597.442.591.5.

## ДЕНГИЗКЎЛ ВА ОЁҚОҒИТМА КЎЛЛАРИДА ОҚ СЛА БАЛИҒИНИНГ (*LUCIOPERCA LUCIOPERCA*) АЙРИМ МОРФО-ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИГА ОИД ҚИЁСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Шодмонов Ф.Қ., Шамсиев Н.А.  
Бухоро давлат университети

**Annotation.** This article provides a comparative analysis of the comparative and morphological characteristics of the age composition of Pikeperch fish in Dengizkul and Ayakagitma lakes, as well as weight gain, feeding and reproduction of white sla fish in Dengizkul and Ayakagitma lakes with length increase.

1963–1965 йилларда Ўзбекистон сувликлари балиқ маҳсулдорлигини ошириш ва носаноат балиқлар миқдорини камайтириш мақсадида оқ сла Сирдарё, Сурхондарё, Амударё сув омборларига келтирилган. Оқ сла Зарафшон дарёсининг сувликларига Амударёдан Аму-Бухоро ва Аму-Қорақўл каналлари орқали ўтган (Комилов 1973, Амонов 1985, Абдуллаев, Сайфуллаев, 1995).

Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балиғининг ёш таркиби қиёсий таҳлили 1-жадвалда берилган. Оқ сла балиқлари кўлларда кенг тарқалган бўлиб, унинг (1+) ёшгача бўлганлари кўлларга қуйилувчи коллекторларда кўплаб учрайди.

## Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балигининг таркиби (% ҳисобида)

Сувликлар	1+	2+	3+	4+	5+	6+	7+	8+	Муаллиф
Денгизкўл	0,9	7,8	9,5	19,9	23,5	17,4	14,3	6,7	Сайфуллаев (1995)
Оёқоғитма	9,3	10,2	18	19,0	21	13,2	5	4,3	Бизнинг маълумот

Оёқоғитма кўли оқ сла балиқлари тўдасининг асосини 3+4+5+ ёшли балиқлар ташкил қилади.

Оқ сланинг танаси анча узунроқ бўлиб, икки ён томонида қисилган танаси майда тангачалар билан қопланган. Оғзи катта, ён чизик тангачалари 80-105 та. Елка сузгич қаноти 2 та бўлиб, биринчисидан 13-14 та қаттиқ нурлар, иккинчисидан 20-21 та юмшоқ нурлар мавжуд. Анал сузгичида 11-12 та нур бор.

Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балиғи морфологик белгиларининг солиштирма таҳлили 2-жадвалда келтирилган. Денгизкўл ва Оёқоғитма оқ сла балиқларининг морфологик белгилари солиштирилганда, уларнинг ўхшашлиги аниқланди. Бу белгилар бўйича фақат бошнинг кўз орқа узунлиги, антидорсал масофа кўкрак сузгичи, қорин сузгичи ва V-A масофаси бирмунча фарқ қилади.

## Денгизкўл ва Оёқоғитма кўллар оқ сла балиқларининг морфологик белгилари солиштирма таҳлили

Морфологик белгилар	I. Оёқоғитма n=110	II. Денгизкўл n = 25	Mdiff I-II
	M ±m бизнинг маълумот	M ±m Сайфуллаев (1995)	
Тананинг думсиз узунлигига нисбатан % ҳисобида			
Тумшук узунлиги	7,2±0,07	7,1±0,20	0,5
Кўз диаметри	4,1±0,19	3,9±0,10	1,2
Бошнинг кўз орқа қисми	19,0±0,17	18,6±0,08	2,6
Бош узунлиги	30,3±0,08	28,1±0,08	2,2
Бош баландлиги	15,0±0,19	14,8±0,07	1,1
Пешона кенглиги	4,0±0,03	4,00, ±04	0,02
Тананинг максимал баландлиги	23,1±0,01	22,9±0,20	1,0
Тананинг минимал баландлиги	8,4±0,06	8,4±0,07	0,03
Антидорсал масофа	32,0±0,70	30,0±0,04	2,8
Постдорсал масофа	42,8±0,21	42,6±0,14	1,2
Дум асоси узунлиги	22,8±0,01	22,7 ±0,10	1,0
D <sub>1</sub> асоси узунлиги	28,1±0,17	28,3±0,10	1,4
D <sub>2</sub> асоси узунлиги	24,5±0,06	24,6±0,08	1,8
D <sub>1</sub> баландлиги	10,2±0,01	10,2±0,08	0,07
D <sub>2</sub> баландлиги	11,0±0,20	11,3±0,11	1,7
A асоси узунлиги	13,0±0,16	13,2±0,05	1,3
A асоси баландлиги	11,4±0,08	11,3±0,06	1,8
P узунлиги	15,8±0,14	15,5±0,07	2,4
V узунлиги	16,1±0,01	15,0±0,07	2,8
P-V масофа	34,5±0,01	34,5±0,11	0,1
V-A	39,6±0,03	39,2±0,15,	2,7

Оқ сла Оёқоғитма кўли шароитида ўзининг яхши ўсиши билан ажралиб туради. Узунлик ўсиши (4+) ёшгача жадал бўлиб, кейин секинлик билан пасайиб боради.

Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балигининг узунлик ўсиши солиштирма таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

Солиштиришдан шу нарса маълум бўлдики, оқ сла балиғининг узунлик ўсиши вояга етгунга қадар Денгиз кўл балиқларига ўхшаш. Қолган барча ёшларда Оёқоғитма кўли оқ сла балиғининг узунлик ўсиши юқорилиги аниқланди.

3-жадвал

Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балиғининг узунлик ўсиши

Сувликлар	1+	2+	3+	4+	5+	6+	7+	8+	Муаллиф
Денгизкўл	16,7	24,3	28,1	39,6	42,3	47,3	69,6	--	Абдуллаев (1989)
Оёқоғитма	16,7	26,6	38,4	49,2	58,4	66,5	69,4	72,3	Бизнинг маълумот

Оёқоғитмакўли оқ сла балиғининг узунлик ўсиши билан бирга оғирлик ўсиши ҳам аниқланди. Оқ сланинг узунлик ва оғирлик ўсиши бир-бирига тескари ҳолда ўзгариб туради. Узунлик ўсиш (1+,3+) ёшларда юқори бўлиб, (4+,6+) ёшларда секинлашади. Оғирлик ўсиши эса (1+,3+) ёшларда секин бўлиб, (4+,8+) ёшларда юқори бўлади.

Оёқоғитма кўли оқ сла балиғи оғирлиги Денгизкўл кўли билан солиштирганда улар орасида катта фарқ кузатилмади. Оқ сланинг оғирлиги Оёқоғитма кўлида бироз юқорилиги аниқланди. Бу ҳолат Оёқоғитма кўлида оқ сла учун озик компоненти ва миқдори кўплигидан дарак беради.

Оқ сла барча сувликларда (60 мм бўлганидан сўнг) йиртқичлик билан ҳаёт кечади. Сурхандарё сувликларида оқ сла (1+, 2+) ёшида тўлиқ йиртқичликка ўтади, у шарқ тезсузари, паррак (наштарқанот), зоғора, самарқанд храмуляси ва ўзининг туридан ейди (Амонов, 1985).

М.А.Абдуллаев (1989) маълумотига кўра, оқ сла 63-68 мм бўлганда йиртқичликка ўтади. У шарқ тезсузари, паррак (наштарқанот), орол мойбалиқ, кумуш товонбалиқ, зоғора, ниначи личинкаси, мизидлар билан озикланади.

Денгизкўлда оқ сла 8,-11 мм узунликда зоопланктон билан озикланади. Узунлиги 70-101 мм, оғирлиги 7,1-9,6 г бўлган оқ сла мизид, креветка хириноид личинкаси ва зоопланктон билан озикланади (Сайфуллаев, 1995).

Оёқоғитма кўли шароитида оқ сла 8-10 мм узунликда, зоопланктон, балиқ тана оғирлигининг 30 фоизини ташкил қилади. Шундан 70 % копепода, 20 % кладоцера 10 % ни коловратка ташкил қилади.

Денгизкўлда оқ сланинг ўртача семизлик коэффициенти 1,21 га тенг. Оёқоғитма кўли оқ сланинг семизлик коэффициенти турли фаслда турлича бўлади. Юқори семизлик коэффициенти куз фаслида (октябрь ойи) кузатилди, у 2,05 дан 2,50 гача тебранади, ўртача 2,30 га тенг.

Оёқоғитма кўли шароитида 2-3 ёш, 28-35 см узунликда вояга етади. Денгизкўлда узунлиги 35 см, оғирлиги 386 г бўлган оқ сла 25-66 минг, 47 см ли оқ сла 193,3 минг увилдирик ташлайди. (Сайфуллаев, 1995). Оёқоғитма кўлида оқ сланинг узунлиги 36-38 см бўлганда ўртача 48,09 минг, узунлиги 33-36 см бўлганда ўртача 47,9 минг, 34-39,5 см бўлган оқ сла ўртача 48,8 минг, узунлиги 68,8-74,3 см оқ сла ўртача 451,6 минг увилдирик ташлайди. Оқ сланинг серпуштлиги ёшга боғлиқ ҳолда ошиб боради.[5].

Денгизкўлда март ойининг 3 декадасидан май ойигача сув ҳарорати 13-15<sup>o</sup>С бўлганда увилдирик ташлайди. Оёқоғитма кўли шароитида оқ сланинг увилдирик кўйиши апрель ойининг бошидан 10 майгача давом этади. Кўлнинг об-ҳавоси ўзининг ўзгарувчанлиги билан бошқа кўлларида фарқ қилади.

Оқ сла увилдирикни кўлнинг бошланиш жойига, яъни Шофиркон канали қўйиладиган жойга ташлайди, чунки у ерда сув оқими тез, сувда эриган кислород 8,5 г/л, шўрланиш даражаси 6-8 г/л бўлиб, оқ сла учун қулай жой ҳисобланади. Оқ сла ўз увилдириғини кўлнинг балчиқ-кумоқли қирғоқларига қўяди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев М.А., Д.Урчинов. Промысловые рыбы водоёмов низовьев р.Зарафшан. - Ташкент: Фан, 1989. – 61 с.
2. Аманов А.А. Экология рыб водоемов юга Узбекистана и сопредельных республик. – Ташкент: Фан, 1985. – 160 с.
3. Абдуллаев М.А., Сайфуллаев Г.М. Ихтиофауна озер Аяк-Агитма // Организм и среда: материалы докл. второй респ. симпозиума, Ташкент, 21-22 декабря. – Ташкент: Фан, 1995. – С. 93-94.
4. Камиллов Г.К. Рыбы и биологические основы рыбохозяйственного освоения водохранилищ Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1973. – 234 с.
5. Мирзаев У.Т., Шамсиев Н.А. Промысловые рыбы оз. Аякагитма // Вестник НУУз. – Ташкент: Университет, 2008. № 4. – С. 104-105.

УДК 597.554.3

### ЧИРЧИҚ ДАРЁСИДАГИ ДОҒЛИ ГУБАЧНИНГ (*TRIPLOPHYSА STRAUCHI*) МОРФОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Қувватов А.Қ.

ЎзР ФА Зоология институти, E-mail. asqarquvatovxabb@mail.ru

**Annotation.** The article presents the results of research on the morphological characteristics of *Noemacheilus strauchi* in the Chirchik River. The diameter of the eye (*o*), the length of the base of the breast filter (*IP*), the width of the forehead (*io*), the minimum height of the body (*h*), the length of the base of the anal filter (*IA*) are highly variable signs; The characters *c*, *ao*, *po*, *hc*, *pD*, *lca*, *lD*, *hD*, *hA*, *IV*, *PV*, *VA* are moderately variable, while the remaining characters (*H*, *aD*) have low variability.

Доғли губач *Triplophysa strauchi* Kessler, 1874 – Иссиққўл, Тарим, Балхаш ва Олақўл сув хавзаларида ҳамда Тарбагатай (Иртиш сув ҳав.), Чу дарёларида яшайди [1. 34]. Ўзбекистон сув хавзаларига тасодифан келтирилган [2. 77-78].

Мақолада Чирчиқ дарёсидаги Доғли губачнинг морфологик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган. Материал сифатида 2020 йил баҳор ойида Чирчиқ дарёсининг қуйи қисмидан овланган танасининг узунлиги 137-156 мм бўлган 5 та балиқ намуналаридан фойдаланилган. Бунда балиқларнинг 25 пластик ва 5 та меристик белгилари устида ўлчаш-ҳисоблаш ишлари умумий қабул қилинган метод асосида амалга оширилган [3. 376].

Материалга статистик ишлов беришда белгиларнинг ўртача кўрсаткичи (*M*), унинг хатолиги (*m*), ўртача квадратик чекланиш ( $\sigma$ ) ва вариация коэффициенти (*Cv%*) ҳисоблаб чиқилган [4. 352].

Мақолада белгиларнинг қабул қилинган лотинча қисқартма номланиши қуйидагича келтирилган: *l* – балиқ танасининг узунлиги, мм; *c* – бош узунлиги; *ao* – тумшук узунлиги; *o* – кўз диаметри; *po* – кўз орти қисми; *hc* – бош баландлиги; *io* – пешона кенлиги; *H* – тананинг баландлиги; *h* – дум ўқининг баландлиги; *aD* – антедорсаль масофа; *pD* – постдорсаль масофа; *lca* – дум ўқининг узунлиги; *lD* – елка сузгичи асосининг узунлиги; *hD* – елка сузгичи баландлиги; *IA* – аналь сузгичи асосининг узунлиги; *hA* – аналь сузгичи баландлиги; *IP* – кўкрак сузгичи узунлиги; *IV* – қорин сузгичи узунлиги; *PV* – кўкрак ва қорин сузгичи оралиғидаги масофа; *VA* – қорин ва аналь сузгичи оралиғидаги масофа.

Адабиёт [2. 77] маълумотларига кўра, доғли губачнинг қорин сузгич қанотлари аналь тешигигача боради. Танасининг ранги турли хил. Елкаси ва ён томонларида нотўғри формадаги

Тошев Х.М., Кузметов А.Р., Рахманова Л.А. Девхона кўлида мизидлар ( <i>Crustacta, Mysidacea</i> ) фаунаси бўйича янги маълумотлар.....	204
Шералиев Б., Қаюмова Ё., Комилова Д., Аллаяров С., Рўзимов А. Ўзбекистон ихтиофаунасининг таксономик муаммолари ва уларнинг потенциал ечимлари ...	206
Шодмонов Ф.Қ., Шамсиев Н.А. Денгизкўл ва Оёқоғитма кўлларида оқ сла балиғининг ( <i>Lucioperca lucioperca</i> ) айрим морфо-экологик хусусиятларига оид қиёсий маълумотлар.....	209
Куватов А. Қ. Чирчиқ дарёсидаги доғли губачнинг ( <i>Triplophysa strauchi</i> ) морфологик кўрсаткичлари .....	212

## ҚУРУҚЛИК УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРИ ФАУНАСИНING ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ, УЛАРНИING РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдураупов Т.В., Агзамов Ф.А. О нахождении красноухой черепахи <i>Trachemys scripta elegans</i> в одном из каналов г. Ташкента.....	215
Азимов Н.Н. Тошкент воҳасининг мевали боғларида баҳорги орнитофауна .....	218
Беялова Л.Э. К экологии гнездования каменки-пleshанки на северо-западных склонах Туркестанского хребта .....	221
Грицына М.А., Тен А.Г., Абдураупов Т.В., <u>Нуриджанов Д.А.</u> , Солдатов В.А. Обзор орнитофауны планируемого Пскемского заповедника .....	224
Ёркулов Ж.М. Зарафшон водийсида қора лайлак ( <i>Ciconia nigra</i> L. 1987)нинг кишлаши тўғрисида.....	232
Жабборов А.Р. Қушлар келтириб чиқараётган биозарарланишлар .....	234
Жумаев Ф.К. Численность пресмыкающихся в мелкощебнистых песчаных почвах Карнабчуля (Узбекистан) в сезонном аспекте .....	237
Жумаев Ф.К., Шерназаров Э.Ш. О распространении среднеазиатской эфы в Узбекистане.....	241
Кашкаров Р.Д. Методы и подходы к выбору ключевых участков и видов для создания системы мониторинга фауны наземных позвоночных животных .....	243
Митропольская Ю.О. Фауна чужеродных млекопитающих Ташкентской области.....	248
Тен А.Г., Грицына М.А., Абдураупов Т.В. Певчие птицы и их рациональное использование .....	253
Фундукчиев С.Э. Сравнительная экология гнездования некоторых ласточек .....	260